

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/27.12.2025.Tib.01.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА АЗИЗА АНВАРОВНА

КЛИМАКТЕРИК ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ
ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯСИННИНГ ЦИТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Каримова Азиза Анваровна

Климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал
неоплазиясининг цитологик хусусиятлари

.....

5

Каримова Азиза Анваровна

Цитологические особенности интраэпителиальной неоплазии
шейки матки у женщин климактерического возраста

.....

Karimova Aziza Anvarovna

Cytological features of intraepithelial neoplasia of the cervix in
menopausal
women.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/27.12.2025.Tib.01.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА АЗИЗА АНВАРОВНА

КЛИМАКТЕРИК ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ
ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯСИННИНГ ЦИТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мухокамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4668 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбонова Зумрад Чутбаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мўминова Нигора Хайритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Наджмитдинов Отабек Бахриддин ўғли
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/27.12.2025.Tib.01.02 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «___» _____соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Алломалар кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Н. Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда барча саратон касалликлари орасида бачадон бўйни ракиннинг учраши ва ўлим ҳолатларга олиб келиши тўртинчи ўринда туради. 2018-йилда дунёда 569 847 та янги бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва 311 365 та ўлим билан боғлиқ оқибатлар юзага келган¹. Бачадон бўйни саратони "...7-15 йилда ривожланиб, дастлаб сушт даражадаги интраэпителиал, касаллик кучайиши натижасида эса юқори даражали интраэпителиал ўзгаришлар юзага келади ва ноқулай омиллар таъсирида бачадон бўйни саратони шаклланади..."[14]². Ҳозирги вақтда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бачадон бўйни саратони ва одам папиллома вирусининг орасида ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланган бўлиб, ушбу аёлларнинг 99,7 фоизида одам папиллома вирусининг 16, 18, 31, 33 хавфли онкоген штамлари топилган. Одам папиллома вирусининг бачадон бўйни саратони ривожланишидаги асосий этиопатогенетик омиллари Е6 (Е6 оқсилли) ва Е7 (Е7 оқсилли) онкогенлари бўлиб, уларнинг биринчиси ўсма ривожланишини чекловчи р53 генини парчаласа, иккинчиси эса рРВ (ўсма ривожланишини тўхтатувчи ген)ни блоклай оқсали ҳужайранинг тўхтовсиз бўлишига олиб келади. Бу вирус бачадон бўйни эпителийсига тушганидан сўнг 3-5 йил ичида сушт даражадаги, кейинчалик юқори даражали интраэпителиал ўзгаришларга сабаб бўлади. Ушбу эпителиал патологиялар билан бирга маҳаллий бачадон бўйни саратони ҳам клиник симптомларсиз ўтиб, ўз вақтида ташхис ва даволаш муолажалари олиб борилмаса тарқалган бачадон бўйни саратони ривожланади, бу эса даволаш самарадорлигини кескин камайишига олиб келади³.

Жаҳонда бачадон бўйни патологияларини ташхислаш ва даволашда юқори самарадор усулларни аниқлаш учун кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, улар ҳомиладорларда бачадон бўйнининг клиник-патогенетик хусусиятлари, одам папиллома вирусининг натижасида юзага келган унинг патологиясининг клиник-микробиологик жиҳатлари, постменопауза давридаги аёлларда бачадон бўйни шиллиқ қаватининг ҳужайралараро таъсирининг ўзига хослиги, сурункали цервицит бўлган аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал зарарланишининг хавф омиллари ва

¹ Bray F, Ferlay J, Soerjomataram I, Siegel RL, Torre LA, Jemal A. Global cancer statistics 2018: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA Cancer J Clin* 2018;68:394-424.

² Perkins RB. et al. 2019 ASCCP risk-based management consensus guidelines for abnormal cervical cancer screening tests and cancer precursors. *J Low Genit Tract Dis*. 2020;24(2):102-31

³ Mutombo A.B. et al. Efficacy of antiviral drug AV2 in the treatment of human papillomavirus-associated precancerous lesions of the uterine cervix: A randomized placebo-controlled clinical trial in Kinshasa, DR Congo. (KINVAV study) // *Contemporary Clinical Trials Communications*. – 2017. – Т. 8. – С. 135-139

ривожланиш хусусиятлари, турли ёшдаги аёлларда одам папиллома вируси билан боғлиқ бачадон бўйни касалликларининг клиник-морфологик ва молекуляр-генетик омиллари таъсирини асослашдан иборат.

Республикада аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини ташкиллаштириш, бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини ташхисланишини такомиллаштириш ва янгиланган диагностик, прогностик ва даволаш йўриқномаларини яратишга оид қатор вазифалар танланган. «Мамлакатимизда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонининг скрининги, диагностикаси, саратонолди касалликларини даволаш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш, бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони ташхислаш ва уни даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, суюқлик цитологияси ва одам папиллома вируси диагностикасини такомиллаштириш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш, хусусан, бачадон бўйни саратонолди касалликлари ва саратонининг скрининги, диагностикаси, лаборатория шароитида мазкур патологияларни эрта аниқлаш, бирламчи бўғинда тиббий хизмат сифатини ошириш, шунингдек, янги диагностик ва даволаш усулларини жорий этиш орқали хавфли асоратларни олдини олиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 22-ноябрдаги ПҚ-402-сонли «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар ўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2023-йил 6-сентябрдаги ПФ-156-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши–нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахонда сўнгги йилларда бачадон бўйни патологияларини ўз вақтида ташхислаш, самарали даволаш ҳамда асоратларнинг олдини олишга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай, климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни патологияларининг ўзига хослиги, интраэпителиал неоплазияларни цитологик ташхислаш, эстроген

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 22-ноябрдаги ПҚ-402-сонли «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар ўғрисида»ги Қарори

тести орқали меъерий, реактив ва патологик ўзгаришларни цитологик ташхислашга бағишланган тадқиқотлар етарлича эмас, ташхислаш асосан инвазив саратон ривожлангандан сўнг гистологик текширишларига асосланган, бу эса касалликни эрта аниқлаш мақсадида замонавий ноинвазив цитологик усуллардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Бачадон бўйни аломатларсиз саратон олди ўзгаришлари кўп йиллар давомида аниқланмаслиги мумкин, одатда улар ўз-ўзидан орқага қайтади ва кичик бир қисми инвазив саратонга ўтади (Bernard Wabo et al, 2022). Бачадон бўйни саратони цитологик скрининги саратон олди ўзгаришларини, саратонининг ноинвазив босқичларини эрта аниқлашга ва ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради (Weldegebreal F. al, 2019). Бачадон бўйни неоплазиялари скринингида цитологик диагностикадан ташқари одам папиллома вируси молекуляр биомаркерларни аниқлаш скрининг қийматини сезиларли даражада оширади, бироқ репродуктив ёшдаги аёлларда одам папиллома вируси инфекцияси вақтинчалик бўлиб, ўз-ўзидан организмдан чиқариб юборилса, климактерик ёшдаги аёлларда вируснинг онкоген штамлари организмда узоқ вақт сақланди ва ўсма ривожланиш ҳавфини оширади (Иванов М.К. и др., 2017). 30 ёшдан ошган аёлларда суст даражадаги интраэпителиал ўзгаришларга шубҳа бўлган ҳолатларининг 12,9 фоизда юқори хавфдаги онкоген одам папиллома вируси штамлари учраб, бу аёлларда юқори хавфдаги интраэпителиал ўзгаришларга ўтиш хавфи юқори бўлиши аниқланган [Arbyn M. et al., 2020).

Ўзбекистонда сўнгги йигирма йилликда М.Н. Тилляшайхов, Ш.И. Ибрагимов, Н.Ш.Юлдашевлар раҳбарлигида бачадон бўйни саратон олди касалликларида айрим жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларнинг аҳамияти, комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш, маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонида кичик тос аъзолари экзентерациясидан кейин тос тубининг хирургик реконструкциясига янгича ёндашиш, фертил ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратонини даволаш самарадорлигини баҳолаш ва режалаштириш, бачадон бўйни саратонининг Ўзбекистон Республикаси хавф омили юқори бўлган ҳудудлардаги эпидемиологик хусусиятлари ва олдини олишнинг комплекс чоратадбирларини ишлаб чиқиш ўрганилган, бироқ климактерик даврдаги аёлларда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонининг цитологик диагностикаси, эстроген тести ёрдамида цитологик ташхисни такомиллаштириш ва унда цитологик ўзгаришлар охиригача ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий–тадқиқот ишлари режасининг №01.1800233 “Клиник лаборатор диагностикасининг замонавий молекуляр-генетик,

цитологик, иммунологик ва биокимёвий аспекти. Касалликлар лаборатор диагностикасининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тести орқали бачадон бўйни атрофик ўзгаришлари ва интраэпителиал неоплазиясини цитологик ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда ҳужайраларнинг ядро ва цитоплазмасидаги ўзгаришларни баҳолаш;

климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини ўтказиш орқали бачадон бўйни неоплазияларини ўрганиш;

климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини қўллаганда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашнинг цитологик мезонларини аниқлаш;

климактерик ёшдаги аёлларда полимераз занжирли реакция таҳлили орқали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислаш самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси аёллар консултатив поликлиникасида бачадон бўйни цитологияси амалга оширилган ва ўзгаришлар аниқланган 136 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумий клиник, иммунологик, биокимёвий, цитологик, полимераз занжир реакция ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда ҳужайраларнинг ядро ва цитоплазмасидаги ўзгаришлари исботланган;

климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини қўллаш орқали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислаш самарадорлиги ошганлиги аниқланган;

климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тести қўлланилганда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонини ташхислашнинг цитологик мезонлари асосланган;

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ташхисланган климактерик ёшдаги аёлларда 16 ва 18 генотип одам папиллома вируслари устунлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган эстроген тестига асосланган ҳолда бачадон бўйни

саратон олди ҳолатлари ва саратонининг диагностик алгоритми ишлаб чиқилган;

бачадон бўйни цитологик суртмасида алгоритмда келтирилган 2 та катта ва 3 та кичик цитологик мезонлар мавжуд бўлганда климактерик ёшдаги аёлларга эстроген тестини ўтказиш тавсия этилган;

эстроген тести орқали тасдиқланган бачадон бўйни оғир саратон олди ҳолатлари ва саратони бўлган аёлларда гистологик текширишлар самараси очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Мазкур илмий тадқиқот ишида климакс ёшидаги аёлларда эстроген тестини ўтказиш орқали бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонини цитологик ташхислашнинг қўлланилганлиги, олинган илмий тадқиқот натижаларининг чет эл ва маҳаллий адабиётлардаги тадқиқот ишларига мос эканлиги, ушбу илмий изланишда материал ва методларининг тўғри танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, олинган илмий иш хулосалари умумий клиник, иммунологик, биокимёвий, цитологик, полимераз занжир реакция ва статистик текшириш усулларига асосланганлиги, шунингдек, бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонида янги цитологик диагностика ёндошуvidан олинган хулоса ҳамда натижаларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилотларига жорий этилиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти климактерик ёшидаги аёлларда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратони ўзига хос цитологик белгилари очиб берилганлиги, климакс ёшидаги аёлларда эстроген тестини қўллаш орқали бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратони цитологик маркерларнинг аҳамияти аниқланганлиги, климактерик ёшидаги аёлларда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонининг янгича цитологик ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти климактерик ёшидаги аёлларда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонининг янгича цитологик ташхислаш алгоритми асосида хавфли касалликларни эрта ташхисланганлиги, хавфли асоратларнинг олди олинганлиги, бемор ҳаётининг сифат жихатдан яхшиланганлиги, мазкур илмий тадқиқот иши натижалари асосида янги амалий тавсияномалар ишлаб чиқилганлиги ва ташхислаш алгоритм тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/520-т сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда ҳужайраларнинг ядро ва цитоплазмасидаги ўзгаришлари

исботланганлиги бўйича олинган илмий натижалар Хоразм вилояти Патологик анатомия экспертиза бюросининг 2025-йил 1-майдаги 20 II-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмасининг 2025-йил 4-майдаги 1651-4-67-ТВ/2025-сонли буйруғи билан клиник амалиётига татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/520-t сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда ҳужайраларнинг ядро ва цитоплазмасидаги ўзгаришларини касалликнинг бошланғич даврларида аниқлаш жараён авж олишининг олдини олиш, ҳаёт сифатини ошириш, эрта босқичларда беморларнинг тўлиқ тузалиши, кеч босқичларда эса умрини узайтириш ва хавfli асоратларни бартараф этиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини эрта, оғир асоратсиз даврларда цитологик ташхислаш, даволаш ва оғир асоратларини олдини олиш орқали амбулатор ва стационар шароитда даволаниш вақтини камайтиришга ёрдам беради. Хулоса: Эстроген тести орқали саратон олди холатларини ўз вақтида ташхислашни тадбиқ этиш эса бачадон бўйни саратони ривожланишини самарали бартараф этади, уларнинг соғлиғини сақлаш, меҳнат қобилияти ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини узоқ муддат давомида сақлаб қолиш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини қўллаш орқали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислаш самарадорлиги ошганлиги аниқланганлиги бўйича олинган тадқиқот натижалари Хоразм вилояти Патологик анатомия экспертиза бюросининг 2025-йил 1-майдаги 20 II-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмасининг 2025-йил 4-майдаги 1651-4-67-ТВ/2025-сонли буйруғи билан клиник амалиётига татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/520-t сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини қўллаш орқали бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини цитологик ташхислаш усулини қўллаш ҳисобига саломатлик индекси ошди, тақлиф этилган цитологик диагностика алгоритминини қўллаш бачадон бўйни интраэпителиал ўзгаришларини эрта босқичларда аниқлашга кўмаклашган ва оғир неопластик асоратлар ривожланишининг олдини олишга ёрдам берган. Иқтисодий самарадорлиги: Эстроген тести орқали бачадон бўйни саратони ва саратон олди холатларини ўз вақтида ташхислаш даволашга сарфланадиган маблағларни тежашга эришилган. Хулоса: Эстроген тести орқали саратон олди холатларини ўз вақтида ташхислашни тадбиқ этиш эса бачадон

бўйни саратони ривожланишини самарали бартараф этган ва ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик ва ўлим хавфини камайтириш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тести қўлланилганда бачадон бўйни саратон олди ҳолатлари ва саратонини ташхислашнинг цитологик мезонлари асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга тадбиқ этилиши: Хоразм вилояти Патологик анатомия экспертиза бюросининг 2025-йил 1-майдаги 20 II-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмасининг 2025-йил 4-майдаги 1651-4-67-ТВ/2025-сонли буйруғи билан клиник амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/520-t сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: Эстроген тести орқали бачадон бўйни саратони ва саратон олди ҳолатларини эрта лаборатор аниқлаш ногиронлик ва ўлим даражасини камайтиришга имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Эстроген тести асосида бачадон бўйни саратон олди ҳолатларини эрта аниқлаш орқали иқтисодий йўқотишлар қисқаради, даволаш ва ногиронликка сарфланадиган давлат бюджети маблағларининг тежалиши умумий соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширади. Хулоса: климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тести орқали саратон олди ҳолатларини ўз вақтида ташхислашни тадбиқ этиш уларнинг соғлиғини сақлаш, меҳнат қобилияти ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини узоқ муддат давомида сақлаб қолиш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ташхисланган климактерик ёшдаги аёлларда 16 ва 18 генотип одам папиллома вируслари устунлиги аниқланганлиги Хоразм вилояти Патологик анатомия экспертиза бюросининг 2025-йил 1-майдаги 20 II-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмасининг 2025-йил 4-майдаги 1651-4-67-ТВ/2025-сонли буйруғи билан клиник амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/520-t сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиялари ташхислашда одам папиллома вирусларининг генотипларини аниқланганлиги беморларда саратон олди жараёнларни ташхислаш ва башоратлаш самарасини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда климактерик ёшдаги аёлларда эстроген тестини қўллаш орқали ташхислаш самарадорлигини ошириш, самарасиз тиббий муолажаларни камайишига олиб келди, бу эса турли аъзоларда ва тизимларда ривожланиш эхтимоллиги

бўлган ножўя холатларни камайтирди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Эстроген тести орқали бачадон бўйни саратони ва саратон олди холатлари шубха қилинган беморларда меъёрий физиологик ўзгаришлар аниқланганда 3 йилда 1 марта гинеколог назорати ва цитологик скрининг тавсия этилади, натижада давлат бюджет маблағларидан 6 баравар иқтисод қилишга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий иш натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши компьютер матнида 110 бетда баён қилинган. У кириш қисми, адабиётлар шарҳи, материаллар ва методлар, шахсий тадқиқот натижалари баён қилинган 2 бобдан, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 118 та адабиётдан, жумладан 20 та ўзбек ва рус тилида, 98 та бошқа тиллардаги манбаларни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида бачадон бўйни саратони ва саратон олди холатларининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези, клиник ва лаборатор диагностикаси ва цитологик маркерларнинг аҳамияти чуқур ўрганиб чиқилган.

Диссертация «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари келтирилган. Клиник тадқиқотлар 2022-2024 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Аёллар консультатив поликлиникасида бачадон бўйни цитологияси амалга оширилган ва ўзгаришлар аниқланган 136 нафар бемор олинган.

Назорат гуруҳи сифатида 20 соғлом аёллар танлаб олинди. Тадқиқотга барча беморлар ўз хоҳиши билан иштирок этишди.

Анамнезида бачадон бўйни саратони ва саратон олди ҳолатлари, бошқа онкологик касалликлар ташхиси қўйилган, шу туфайли кимётерапия ва нур терапияси олган, гормонал терапия олган, бачадон ичи спирали бор, қандли диабет, бириктирувчи тўқима тизимли касалликлари ва бошқа жиддий касаллиги бор беморлар асосий гуруҳга киритилмади.

Бачадон бўйни саратони ва саратон олди ҳолатлари ташхиси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиясига асосан (2014), Bethesda классификациясидаги диагностик омили асосида қўйилди.

Текширилган беморлар 5 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ ASCUS (аҳамияти номаълум бўлган атипик ясси эпителий ҳужайралари) ҳулосаси берилган 24 бемор, 2-гуруҳ LSIL (ясси эпителий ҳужайраларидаги паст даражадаги интраэпителиал зарарланиш) ҳулосаси берилган 32 бемор, 3-гуруҳ ASC-H (атипик ясси эпителий ҳужайралари, юқори даражали интраэпителиал зарарланишни истисно қилиб бўлмайди) ҳулосаси берилган 28 бемор, 4-гуруҳ HSIL (ясси эпителий ҳужайраларидаги юқори даражадаги интраэпителиал зарарланиш) ҳулосаси берилган 30 бемор, 5-гуруҳ бачадон бўйни саратони ҳулосаси берилган 22 бемор. Назорат гуруҳи сифатида ҳайз цикли 5 йилдан ортиқ кузатилмаган, 50-70 ёшдаги 20 нафар соғлом (NILM-интраэпителиал зарарланишлар мавжуд эмас) аёллар танлаб олинди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот материаллари.

Беморларда эстроген тестини қўллаш учун таркибида 0,5 мг эстриол сақловчи шамчаларидан фойдаланилди. Дастлабки пап тести учун намуналар олингандан сўнг ҳар бир беморга 10-14 кун давомида кунига 1 маҳал 22,00 да эстриол шамчаларидан фойдаланиш тавсия қилинди. Дастлабки суртма натижаларида атрофия даражаси юқори бўлган беморларда тестни қўллаш 14 кунгача давом этди. Эстроген шамчалари қўлланилгандан сўнг беморлардан яна намуна олинди ва цитологик ўзгаришларга баҳо берилди.

Цитологик тадқиқотлар бачадон бўйнидан олинган суртмаларни суюқ цитология йўли билан Папаниколау усулида бўяш орқали амалга оширилди. Дастлаб беморларнинг цитологик ташхис учун зарур бўлган малумотлардан иборат қайднома тўлдирилди. Суртма олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида ҳам эндоцервикс, ҳам экзоцервиксдан цитологик чўтка орқали намуна олинди. Олинган

намуналардан лаборатория шароитида суртмалар тайёрланди, фиксация қилинди ва Папаниколау буёқлар тўплами (Италия) ёрдамида (Гаррис гемотоксилини, Папаниколау ОГ6, Папаниколау EA50) билан бўялди. Сифатли бўялган намуналар устидан монирловчи муҳит билан қопловчи ойна бириктирилиб, Olympus BX53F2 (Япония) микроскопи ёрдамида баҳоланди. Цитологик суртмаларни микроскопда кўриш жараёнида цитологик элементлар, ҳужайраларнинг турлари, цитоплазма ва ядронинг шакли, ҳажми, ранги, миқдори, таркибидаги элементлари, муҳит таркиби, каби белгиларни чуқур таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

Биокимёвий тадқиқотлар Mindray BC 200 (Хитой) биокимёвий анализаторида HUMAN (Германия) реактивларидан фойдаланган ҳолда, иммунохемилюминисцент тадқиқотлар Snibe (Хитой) анализаторида, Snibe (Хитой) реагентларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.


Тадқиқот материалларига статистик ишлов бериш шахсий компьютерда ўрнатилган махсус статистик таҳлил дастурлари мажмуаси ёрдамида амалга оширилди. Бунда ўртача арифметик қиймат (M), стандарт оғиш (σ) ва нисбий кўрсаткичлар (частота) (m) ҳисоблаб чиқилди. Ўртача кўрсаткичларни солиштиришда олинган натижаларнинг статистик аҳамияти Стъюдент t -критерийси орқали баҳоланди. $P < 0.05$ даражасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб қабул қилинди. Клиник ва лаборатор натижаларни таҳлил қилишда статистик қайта ишлаш бўйича тавсиялар инobatга олинди.

Диссертациянинг «Климактерик ёшдаги аёлларда бачадон бўйни неоплазиялари цитологик диагностикасининг ўзига хос хусусиятлари» деб номлаган учинчи бобида менопауза давридаги назорат гуруҳи аёлларида бачадон бўйнидан олинган паптест суртмаларини цитологик текшириш натижалари ўрганилди. Кучли атрофияда юза ҳужайралари аниқланмади, суртмада асосан парабазал ва эндоцервикал ҳужайралар аниқланди, айрим беморларда кам миқдорда оралиқ эпителий ҳужайралари топилди.

Назорат гуруҳида менопауза бошланган даври 5-7 йил бўлган аёлларда парабазал ҳужайралар якка-якка жойлашган, юмалоқ ёки овал, ўлчами 30-50 мкм, кўк рангда бўялган зич цитоплазмали ҳужайралар бўлиб, ядроси юмалоқ ёки овал, хроматин структураси нозик тўрсимон, ўлчами 8-20 мкм, ядро мембранаси контури текис, ядро хроматини нозик, ядро-цитоплазма нисбати 1:3 – 1:4 бўлади (2-расм А).

Климактерик давр 10 йилдан ошган аёлларда парабазал ҳужайралар асосан гуруҳ бўлиб жойлашади, лекин гуруҳлар атрофида

якка-якка ҳужайралар бор, шакли юмалоқ ёки овал, ўлчами 15-30 мкм, кўк ёки яшил рангда бўялган зич цитоплазмага эга, ядроси юмалоқ ёки овал, хроматин структураси нозик тўрсимон, ўлчами 8-15 мкм, ядро мембранаси контури текис, ядро хроматини нозик, ядролари катталашганлиги ҳисобига ядро-цитоплазма нисбати 1:2 гача ошган, ҳужайралар бир қават бўлиб жойлашган ва томонга қутбланган (2-расм Б). 7-10 йил оралиғидаги аёлларда эса бу ҳужайралар ҳам гуруҳ сифатида, ҳам якка-якка жойлашган.



2-расм. Назорат гуруҳидаги аёлларда атрофик парабазал ҳужайралар (X400).

Цитологик суртмаларда аниқланган ўзгаришлар асосида атрофик суртмалардаги бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ҳар хил турини ажратиш учун ҳужайра цитоморфологик ўзгаришлари 1-жадвалда келтирилди.

1- жадвал.


Атрофик суртмалардаги бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ҳужайра цитоморфологик ўзгаришлари

Цитологик белгилар	Нормал атрофия (назорат гуруҳи)	ASCUS (1-гуруҳ)	ASC-H (2-гуруҳ)	LSIL (3-гуруҳ)	HSIL (4-гуруҳ)	Бачадон бўйни саратони (5-гуруҳ)
Атипик ҳужайралар сони/кўрув майдони	-	1-5/10	6-10/10	2-5/1	5-20/1	15-150/1

Хужайралар шакли	Юмалоқ ёки овал	Юмалоқ ёки овал	Полиморф	Юмалоқ ёки овал	Полиморф	Полиморф
Хужайралар ўлчами	15-50 мкм	15-50 мкм	15-30 мкм	25-50 мкм	15-30 мкм	Турлича
Хужайралар жойлашиши	Якка-якка ёки гуруҳ	Якка-якка ёки гуруҳ	Якка-якка	Якка-якка	Якка-якка ва гуруҳ	Якка-якка ва гуруҳ
Хужайралар қутбланиши	Бир томонга	Бир томонга	-	-	Ҳар томонга	Ҳар томонга
Цитоплазма ранги	Кўк ёки яшил	Кўк	Кўк ёки яшил	Кўк ёки яшил	Кўк ёки яшил	Кўк ёки яшил
Ядро шакли	Юмалоқ ёки овал	Юмалоқ ёки овал	Полиморф	Юмалоқ ёки овал	Полиморф	Полиморф
Ядро ўлчами	8-16 мкм	>25 мкм	>20 мкм	25-30 мкм	12-20 мкм	Турлича
Ядро мембранаси контури	Текис	Бироз нотекис	Нотекис	Бироз нотекис	Нотекис	Нотекис
Ядро хроматини структураси	Нозик тўрсимон	Нозик тўрсимон	Дағал грануляр	Ўртача донадор	Дағал грануляр	Дағал грануляр
Ядро-цитоплазма нисбати	1:2 - 1:4	1:2	2:1- 3:1	1:3 – 1:4	4:1-8:1	4:1-8:1
Ядро бўйлиқ интенсивлиги	Нормохром	Нормохром	Гиперхром	Гиперхром	Гиперхром	Гиперхром
Ядролар сони	1	1, 2 ёки 3	1, 2 ёки 3	1, 2 ёки 3	1, 2 ёки 3	1, 2 ёки кўп
Ядрочалар	-	-	+/-	-	-	+
“Кўк томчи парабазал хужайралар	+	+	+	+	-	-
Ўсма диатези	-	-	-	-	-	+


Беморларга 10-14 кун давомида эстроген тести ўтказилди. Эстроген препарати вагинал шағам сифатида қўлланилди.

Эстроген тестидан сўнг барча гуруҳларда қайта паптест ўтказилди. Назорат гуруҳидаги аёлларда парабазал хужайралар уммуман топилмади. Цитологик суртмада юза ва оралиқ хужайралар аниқланди, яъни хужайралар шакли полигонал, ўлчами 30-50 мкм, ядроси думалоқ ёки овал, ўлчами 8-12 мкм, ядро мембранаси контури текис, юза хужайраларда ядро хроматини нозик, пушти рангли цитоплазма, оралиқ хужайраларда эса ядро хроматин структураси везикуляр, кулранг бўялган цитоплазма, ядро-цитоплазма нисбати 1:8-1:10, “кўк томчи” сифатидаги ўзгарган парабазал хужайралар йўқ, хужайралар алоҳида жойлашган (8-расм).




8-расм. Назорат гуруҳида эстроген тестидан сўнги цитологик сурат (X400).

Эстроген тестидан сўнг 1-гуруҳдаги 24 нафар аҳамияти номаълум бўлган атипик ясси эпителий хужайралари (ASCUS) ташхиси қўйилган аёлларнинг 22 нафарида (91,7%) ҳам назорат гуруҳидаги каби ўзгаришлар аниқланди (9-расм А). Бироқ, 2 нафар беморда (8,3%) парабазал хужайралар сақланиб қолди. Бу беморларда 2 ва 3 ядроли парабазал хужайралар ҳам аниқланди (9-расм В).



9-расм. 1-гурӯҳида эстроген тестидан сўнгги цитологик сурат. Аҳамияти номаълум бўлган атипик ясси эпителий ҳужайралари (X400).


2-гурӯҳда ясси эпителий ҳужайраларидаги паст даражадаги интраэпителиал зарарланиш хулосаси берилган аёлларда эстроген тести ўтказилгач, 24 нафар (75%) аёлларда назорат гуруҳидаги каби ўзгаришлар кузатилса, 8 нафар (25%) аёлларда суртмада атипик, ядроси гиперхром, хроматин структураси дағал грануляр парабазал ҳужайралар сақланиб қолди (10-расм).



10-расм. Иккинчи гуруҳда эстроген тестидан сўнгги цитологик сурат. Ясси эпителий ҳужайраларидаги паст даражадаги интраэпителиал

зарарланиш (X400).

ASC-H хулосаси тасдиқланган 3-гурӯҳда эстроген тестидан сўнг 17 нафар (60,7%) аёлларда назорат гуруҳидаги каби ўзгаришлар кузатилди. Бироқ, 5 нафар (17,8%) аёлларда суртмада атипик, ядроси гиперхром, хроматин структураси дағал грануляр парабазал хужайралар сақланиб қолди ва LSIL цитологик ташхиси қўйилган бўлса, 6 (21,5%) нафарида HSIL цитологик ташхиси қўйилди. Суртмадаги бу хужайраларнинг умумий сони 10 дан кам эканлиги аниқланди. Ушбу аёлларга цитологик назорат ва тавсия этилди (11-расм).



11-расм. Учинчи гуруҳда эстроген тестидан сўнгги цитологик сурат. Атипик ясси эпителий хужайралари, юқори даражали интраэпителиал зарарланишни истисно қилиб бўлмайди (X400).

Текширилган гуруҳлардаги беморларни Одам папиллома вируси (ОПВ)га текширилганда 72% беморларда мазкур вирус аниқланди. Тадқиқотда беморлар цервикал ажралмасидан 16, 18, 31,33, 35, 39, 45, 51,52, 56, 58, 59, 66, 68 генотипга эга ОПВ полимераз занжирли реакция ёрдамида текширилди (2-жадвал)

ББС ва саратонолди ҳолатларида ОПВ учраш даражаси						
ОПВ генотип- лари	Назорат гурӯҳи (n=20)	1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ	4-гурӯҳ	5-гурӯҳ
		(n=24)	(n=32)	(n=28)	(n=30)	(n=22)
		22/2	24/8	17/5/6	6/9/15	4/18
ОПВ 16	-	1 (1%)	1 (1%)	3 (3%)	20 (20%)	17 (17%)
ОПВ 18	-	-	-	1 (1%)	4 (4%)	3 (3%)
ОПВ 31	-	-	1 (1%)	1 (1%)	1 (1%)	1 (1%)
ОПВ 33	-	-	-	1 (1%)	2 (2%)	1 (1%)
ОПВ 35	-	1 (1%)	1 (1%)		-	-
ОПВ 39	-	-	1 (1%)	2 (2%)	2 (2%)	2 (2%)
ОПВ 45	-	1 (1%)	1 (1%)	1 (1%)	-	1 (1%)
ОПВ 51	-	-	-	-	-	-
ОПВ 52	-	-	-	-	-	-
ОПВ 56	-	-	1 (1%)		1 (1%)	1 (1%)
ОПВ 58	-	-	-	-	-	-
ОПВ 59	-	-	1 (1%)	1 (1%)	2 (2%)	-
ОПВ 66	-	-	-	-	-	-
ОПВ 68	-	-	-	-	-	-

Изоҳ: *- назорат гурӯҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (*- $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$).

2-жадвалдан кўришиб турибдики, бачадон бўйни дисплазияси аниқланган 98% аёлларда ОПВ аниқланди. Энг кўп аниқланган 16-генотип ОПВ 1- ва 2-гурӯҳда 1 нафардан (2%), 3-гурӯҳда 3 нафар (3%), 4-гурӯҳда 20 нафар (20%) ва 5-гурӯҳда 17 нафар (17%) аёлларда, жами 42% аёлларда топилди. 18-генотип 8% аёлларда, жумладан 3-гурӯҳда 1 нафар (1%), 4-гурӯҳда 4 нафар (4%) ва 5-гурӯҳда 3 нафар (3%) аёлларда аниқланди 39-генотипга эга ОПВ 7% аёлларда, яъни 2-гурӯҳда 1 нафар (1%), 3-, 4- ва 5-гурӯҳда 2 нафардан 7% топилди. ОПВнинг 31-, 33-, 45-, 59-генотиплари 4 нафардан 16% аёлларда, ОПВ 35-генотипи эса 2 нафар аёлларда аниқланди.

Шу билан бирга, ОПВнинг 16-, 18-, 33-, 39-генотиплари оғир дисплазия аниқланган гурӯҳларда устун бўлган бўлса, 35- ва 45-генотиплар енгил дисплазия аниқланган гурӯҳларда аниқланди. Бироқ, 51, 52, 58, 66, 68-генотипга эга ОПВлари асосий гурӯҳда аниқланмади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, эстроген тестидан сўнг ББИЭН ташхисини тасдиқлашда беморларнинг суртмаларида атипия белгилари аниқланган ҳужайралар сони кўп бўлиши билан бирга ядро хроматин структураси, ядронинг бўйлиш интенсивлиги, ядро-цитоплазма нисбати, 2 ва ундан кўп ядроли ҳужайралар бўлиши, ўртача ўлчамдаги ядрочалар бўлиши каби ядродаги ўзгаришлар цитоплазманинг ранги, ўлчами, киритмалари каби ўзгаришларига нисбатан клиник аҳамияти устун эканлиги аниқланди.

Шу билан бирга, цитологик ташхис оғирлик даражаси ортиши билан эстроген тест орқали ушбу ташхисни тасдиқланган аёллар сони мос равишда ортиб борди. 1-гурӯҳда ASCUS цитологик ташхисни қўйилган 24 нафар аёлдан 22 (91,7%) тасида нормал цитологик сурат аниқланган бўлса, 2 (8,3%) тасига LSIL ташхисни тасдиқланди. LSIL цитологик хулосаси берилган 2-гурӯҳ 32 нафар аёлнинг 24 (75%) тасида атрофияга хос нормал цитологик сурат, 8 (25%) тасида LSIL цитологик ташхисни тасдиқланган. ASC-H цитологик ташхисни бўлган 28 нафар 3-гурӯҳ аёлларидан 17 (60,7%) нафаридан нормал цитологик сурат, 5 (17,8%) нафаридан LSIL ва 6 (21,5%) нафаридан HSIL цитологик ташхисни қўйилди.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, эстроген тести натижаларини таҳлил қилиш натижасида ушбу тестни тавсия этиш учун диагностик мезонлар ишлаб чиқилди.

Катта диагностик мезонлар:

1. Парабазал ҳужайралар шакли полиморф - турли хил шаклда ва ўлчамда.
2. Парабазал ҳужайралар ядроси полиморф - турли хил шаклда ва ўлчамда.
3. Парабазал ҳужайралар ядро хроматини дағал грануляр, гиперхром.
4. Ядро-цитоплазма нисбати 1:4-1:8 гача кескин ошган.
5. Ҳужайралар қутбланиши бузилган.
6. 2 ва ундан кўп ядроли ҳужайралар мавжуд.
7. Ҳужайраларда ўртача ўлчамдаги 2-3 мкм ядрочалар мавжуд.
8. Суртма фонидан ўсма диатези бор.

9. 16 ва 18 генотипдаги папиллома вирусининг аниқланиши.

Кичик диагностик мезонлар:

1. Ядро ўлчами 3 баробардан ортиқ катталашиши.
2. Ядро-цитоплазма нисбати 1:1 ва кўп ошиши.
3. Ядро мембранаси контури нотекис.
4. Ядро хроматини бироз грануляр.
5. Ҳужайраларнинг синтициал гуруҳ бўлиб жойлашиши.

2 та катта диагностик мезонлар ёки 3 та кичик диагностик мезонлар аниқланганда эстроген тестини ўтказиш тавсия этилади.

Ушбу диагностик мезонлар асосида ББИЭНнинг диагностик алгоритми ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияларини ташхислашда ядро хроматин структураси, ядронинг бўялиш интенсивлиги, ядро-цитоплазма нисбати, 2 ва ундан кўп ядроли ҳужайралар, ўртача ўлчамдаги ядрочалар пайдо бўлиши каби ядродаги ўзгаришлар цитоплазмадаги ўзгаришларга нисбатан клиник аҳамияти устунлиги аниқланди.

2. Ўтказилган эстроген тести натижасига кўра, ўлчами ва шакли полиморф ҳужайралар аниқланиши, ядро хроматини дағал грануляр, гиперхром бўлиши, ядро-цитоплазма нисбати 1:4-1:8 гача кескин ошиши, гуруҳ бўлиб жойлашган ҳужайраларда қутбланиш бузилиши, 2 ва ундан кўп ядроли ҳужайралар аниқланиши, 2-3 мкм ядрочалар мавжуд бўлиши, ўсма диатези бўлиши катта диагностик мезонлар сифатида тасдиқланди.

3. Ядро ўлчами 3 баробардан кўп катталашиши, ядро-цитоплазма нисбати 1:1 ва кўп ошиши, ядро мембранаси контури нотекис бўлиши, ядро хроматини бироз грануляр бўлиши, етилмаган парабазал ҳужайралар синтициал гуруҳ бўлиб жойлашиши кичик цитологик мезонларга киритилди.

4. Цитологик ташхис оғирлик даражаси ортиши билан эстроген тест орқали ушбу ташхиси тасдиқланган аёллар сони мос равишда ортиб борди. Хусусан, 1-гуруҳда 91,7%, 2-гуруҳда 75%, 3-гуруҳда 60,7%

ва 4-гурухда 20% аёлларда нормал цитологик сурат аниқланган бўлса, 1-гурухда 8,3%, 2-гурухда 25%, 3-гурухда 39,3%, аёлларда дастлабки цитологик ташхис тасдиқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/27.12.2025.Tib.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАРИМОВА АЗИЗА АНВАРОВНА

**ЦИТОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛЬНОЙ
НЕОПЛАЗИИ ШЕЙКИ МАТКИ У ЖЕНЩИН КЛИМАКТЕРИЧЕСКОГО
ВОЗРАСТА**

14.00.25 – Клинико–лабораторная и функциональная диагностика

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2026

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) -в
Высшей аттестационной комиссии при Совете Министров Республики Узбекистан за
B2024.2.PhD/Tib4668**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном медицинском университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Курбонова Зумрад Чутбаевна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Мўминова Нигора Хайритдиновна доктор медицинских наук, доцент Наджмитдинов Отабек Бахриддин ўгли доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____2026г. в ____ часов на заседании Разового Научного совета DSc. 06/27.12.2025.Tib.01.02 при Ташкентском государственном медицинском университете (Адрес: 100109. г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном медицинском университете (зарегистрирован № ____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Алломалар, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2026 года.
(протокол рассылки №____от «___» _____ 2026 года)

А. Г. Гадаев

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Учёный секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Н. Арипов

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Автореферат диссертации доктора философии (PhD))

Тема диссертации релевантность и необходимость. Рак шейки матки является четвертым по распространенности видом рака в мире по уровню заболеваемости и смертности. В 2018 году во всем мире было зарегистрировано 569 847 новых случаев рака шейки матки и 311 365 смертей⁵. Рак шейки матки «...развивается в течение 7-15 лет, первоначально с интраэпителиальными изменениями низкой степени, а по мере прогрессирования заболевания возникают интраэпителиальные изменения высокой степени, и под воздействием неблагоприятных этиопатогенетических факторов формируется рак шейки матки...»[14]⁶. Современные научные исследования установили связь рака шейки матки с вирусом папилломы человека (ВПЧ), причем 99,7% женщин с раком шейки матки являются носителями опасных онкогенных штаммов ВПЧ, ВПЧ 16, ВПЧ 31, ВПЧ 33 и ВПЧ 18. Основными этиопатогенетическими факторами развития рака шейки матки этого типа являются онкогены E6 и E7, онкоген E6 нарушает ген p53, что ограничивает развитие опухоли, а онкоген E7 блокирует ген rRV, что приводит к апоптозу клеток. Этот вирус вызывает низкодифференцированные интраэпителиальные изменения в течение 3-5 лет после проникновения в эпителий шейки матки, а затем и высокодифференцированные интраэпителиальные изменения. Наряду с этими эпителиальными патологиями неинвазивный рак шейки матки протекает также без клинических симптомов, а при несвоевременном проведении диагностических и лечебных процедур развивается инвазивный рак шейки матки, что приводит к резкому снижению эффективности лечения⁷.

В мире проводится множество научных исследований с целью выявления высокоэффективных методов диагностики и лечения патологий шейки матки. В частности, изучаются клинко-патогенетические особенности шейки матки у беременных, клинко-микробиологические аспекты патологии шейки матки, вызванной вирусом папилломы человека, клинко-патогенетические особенности, особенности межклеточных взаимодействий слизистой оболочки шейки матки у женщин в постменопаузе, факторы риска и особенности развития интраэпителиальных поражений шейки матки

⁵ Брей Ф., Ферлей Дж., Сурджоматарам И., Сигел Р.Л., Торре ЛА., Джемал А. Глобальная статистика рака 2018 г.: оценки заболеваемости и смертности во всем мире по 36 видам рака в 185 странах по версии GLOBOCAN. CA Cancer J Clin 2018;68:394-424.

⁶ Perkins RB. et al. 2019 ASCCP risk-based management consensus guidelines for abnormal cervical cancer screening tests and cancer precursors. J Low Genit Tract Dis. 2020;24(2):102-31

⁷ Мутумбоа АБ и др. Эффективность противовирусного препарата AV2 при лечении предраковых поражений шейки матки, связанных с вирусом папилломы человека: рандомизированное плацебо-контролируемое клиническое исследование в Киншасе, ДР Конго. (Исследование KINVAV) //Contemporary Clinical Trials Communications. - 2017. - Т. 8. - С. 135-139

у женщин с хроническим цервицитом, обоснование влияния клинимо-морфологических и молекулярно-генетических факторов на ВПЧ-ассоциированные заболевания шейки матки у женщин разного возраста.

